Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 14 МАРТ, ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (13.114)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





Пойтахтимизнинг Бектемир туманида бунёд этилган "Камолот" уйлари ёш оилаларга топширилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

"КАМОЛОТ" УЙЛАРИ — ЁШ ОИЛАЛАРГА

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси М.Зуфаров ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёшларнинг барча ҳаётий муҳим эҳтиёжлари таъминланаётганини алоҳида таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чоратадбирлар тўғрисида"ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги "Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари асосида юртимизнинг барча ҳудудида "Камолот" уйлари барпо этилиб, ёшларга топширилаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

"Камолот" уйлари бошланғич бадал тўланмасдан, 20 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли давр белгиланган ҳолда берилаётгани ёш оилаларга катта қулайлик яратмоқда. 2015 йилда Тошкент шаҳрининг Сергели, Учтепа ва Бектемир туманларида 160 хонадонли 5 "Камолот" уйи ёш оилаларга топширилди.

Жорий йилда ҳам ушбу эзгу анъана изчил давом эттирилмоқда. Январь ойида Миробод ва Чилонзор туманларида ҳар бири 32 хонадондан иборат 3 "Камолот" уйи барпо этилди.

Бектемир туманида фойдаланишга топширилган уй эгаларининг қувончи чексиз.

– Замонавий, барча шароитга эга "Камолот" уйларидаги хонадонлардан бирининг соҳиби бўлишимиз оиламиз учун катта совға бўлди, – дейди Тошкент темир йўл муҳандислари институти катта ўқитувчиси Ғуломжон Пирназаров. – Президентимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган бундай эътибор ва ғамхўрлигидан миннатдормиз. Бунга жавобан мамлакатимиз тараққиёти ва равнақига катта ҳисса қўшиш учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар этамиз.

Б.АЙТМУРОДОВ,
ЎзА мухбири

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ

12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтказилди







Атроф-муҳит ям-яшил тусга кириб, кўнгилларни хушнуд этаётган бир пайтда гўзал диёримизга қадимий ва ардоқли байрамимиз Наврўзи олам яқинлашмоқда. Наврўз аждодларимиз неча минг йиллардан буён нишонлаб келаётган гўзаллик ва нафосат айёми ҳисобланади. Бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуғлаб, халқимиз дилига меҳнатсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, ватанпарварлик, шукроналик, мўл ҳосил ва қут-барака тилаш каби эзгу ғояларни ўзида жо этиб келган.

Азалдан Наврўз арафасида ота-боболаримиз ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келган. Албатта бу эзгу ишларни амалга оширишда халқимизга хос бўлган ҳашарнинг ўрни катта. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 4 мартдаги фармойиши асосида юртимизда март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Унинг доирасида 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашари халқимизнинг Наврўз байрамига тайёргарлиги рамзи ҳисобланади. Умумхалқ хайрия ҳашари Наврўз байрамига муносиб тараддуд кўриш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, санитария ҳолатини яхшилашга хизмат қилади.

Наврўз байрами олдидан ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари бутун республикамиз ва шу жумладан пойтахтимизда кўтаринки рухда, уюшқоқлик билан ўтказилди.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, ҳамшаҳарларимиз эрта тонгдан ўз уйи, маҳалласи, ўзи истиқомат қилаётган турар жой атрофини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштиришни мақсад қилган ҳолда ҳашарда иштирок этдилар. Тадбир давомида шунингдек, корхона ва ташкилотлар, истироҳат боғлари, маҳаллалар ҳудудларида, кўп қаватли бинолар атрофида, йўл ва йўлаклар, гузарлар, хиёбонлар, зиёраттоҳлар ва қабристонлар, каналлар, зовурлар, ариқлар, лотоклар, оқава сув йўллари ҳамда болалар майдончаларида кенг қамровли ободонлаштириш ва тозалаш ишлари олиб борилди.

Ўзбекистон "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг берган маълумотига кўра, умумхалқ хайрия ҳашари жойлардаги барча ташкилотлар, муассасалар, корхоналар, шунингдек, пойтахтимизда мавжуд 505 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида уюшқоқлик билан ташкил этилиб, унда 1 млн. 115 мингдан зиёд юртдошимиз қатнашди, шулардан қарийб 725 минг нафарини ёшлар ташкил этди. 1159 гектар ер майдони ободонлаштирилиб, 1359 тонна қурилиш ва маиший чиқиндилар ташкилий равишда тўпланиб, махсус жойларга чиқариб ташланди. Ҳашар давомида 713 км. ариқ ва лотоклар тозаланиб, кўп қаватли бинолар ва ҳовлилар атрофи, гузар ва хиёбонлар, болалар майдончалари тартибга келтирилди. Шунингдек, шаҳримиздаги 10 та зиёратгоҳ ва 70 та қабристонлар тозаланиб, уларда ободонлаштириш ва тартибга келтириш ишлари амалга оширилди. Ўтказилган умумхалқ ҳашари давомида маҳаллалар ҳудудларида 32 минг тупдан ортиқ манзарали, 59 минг тупдан зиёд мевали дарахтлар ҳамда салкам 196 минг туп гул кўчатлари экилди. Турар жой мавзелари ва маҳаллалардаги дарахтларга шакл бериш ва оқлаш, кўча ҳамда йўлакларни тартибга келтириш ишлари амалга оширилиб, 214 минг дона дарахтларга шакл берилди ва оқланди. Умумхалқ хайрия ҳашарига 921 та техника воситалари жалб этилди.

(Давоми 3-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНИНГ ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ҲАМДА ЎТКАЗИШГА КЎМАКЛАШУВЧИ КОМИССИЯСИНИНГ КЕНГАЙТИРИЛГАН МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

Хабар қилинганидек, 2016 йилнинг 11 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда белгиланган сайловни ташкил этиш ва ўтказишга доир долзарб вазифалар муҳокама этилди.

Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Мажлисда сенаторлар, Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси раҳбарлари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг жорий йил 5 мартдаги "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ мамлакатимизда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида ўтказиладиган ушбу сайловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари чуқурлашиб бораётган, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтказилаётган мазкур сайлов тадбир ташкилотчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Сайловни ташкил этишнинг дастлабки босқичида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сайлов ўтказиш борасида билим ва тажрибага, аҳоли орасида обрў ҳамда ҳурматга эга бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссияларини тузиш муҳим аҳамиятга эга.

Бундан ташқари, сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарори билан фуқаролар йиғинининг, тегишли ҳудудда жойлашган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг вакиллари, шунингдек, халқ депутатлари тегишли туман (шаҳар) Кенгашининг депутатидан иборат таркибда ишчи гуруҳларни тузиш режалаштирилмоқда.

Сенат Кенгаши комиссияси аъзолари сайловни ташкилий-ҳуқуқий ва техник жиҳатдан таъминлаш, уни ташкил этиш ва ўтказишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа манфаатдор давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари олдида турган устувор вазифаларни бажариш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнларини кенг ёритиб бориш масалаларига эътибор қаратдилар.

Шу куни Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга бағишланган брифинг ташкил этилди.

Брифингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этишга ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раисининг ўринбосари С.Ортиқова белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларнинг сайловда иштирок этишга доир конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб бериш, сайлов жараёнидаги барча иштирокчиларнинг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этишига эришиш, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар, уларнинг ахлоқий ҳамда ишлаш хусусиятлари билан таништириш энг муҳим вазифалар ҳисобланишига эътибор қаратди.

Ҳозирги вақтда Сенат Кенгаши комиссияси фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнининг қонунийлигини, очиқ-ошкоралигини таъминлаш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини кенг тушунтириш, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни белгилаб олди.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг барча босқичлари очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсадида ҳудудларда сайловни ёритиб боришга масъул бўлган ахборот хизматлари фаолияти йўлга қўйилиши ҳам таъкидланди.

Брифинг сўнгида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёни тўғрисида ОАВ мунтазам равишда хабардор этиб борилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати

ХХ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида Бухорода ҳуқуқий тарғибот ва маънавий-маърифий ишларнинг услубий жиҳатдан таъминланишини ташкил этиш, давлат бошқаруви органлари ходимлари масъулияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, соҳадаги ислоҳотлар мазмун-моҳияти тарғиботига бағишланган ўқув-семинар ўтказилди.

● Тошкент вилоятининг Янгийўл туманида "Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга ҳар биримиз масъулмиз" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тадбирда депутатлар, партия фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, санъаткорлар иштирок этди.

● Урганчда "Жамоатчилик назорати – қонун устуворлигининг гарови" лойиҳаси доирасида "Йўлларни асрайлик!" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Тадбирда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги доирасида ўтказиладиган ҳашарларда фаол қатнашиш, Наврўз умумхалқ байрамига муносиб тараддуд кўриш, ҳудудларнинг санитария ҳолатини янада яхшилаш борасида фикр алмашилди.

● Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги "Камолот" шахмат тахтаси" турнирининг Бухоро вилояти босқичи бўлиб ўтди. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилган турнирда шахматчилар беш ёш тоифасида ўзаро баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Кеча Японияда 2011 йил 11 мартда юз берган, 15 минг кишининг ҳаётига зомин бўлган табиий офат қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди.

● Кеча Кот-д'Ивуарнинг курорт ҳудудидаги иккита меҳмонхонада амалга оширилган террорчилик ҳаракати қурбонларининг сони 16 кишига етди. Уларнинг Франция ва германиялик сайёҳлар эканлиги таъкидланмоқда. Ушбу қабиҳ жиноятни амалга оширганликни "Ал-Қоида" террористик ҳаракати бўйнига олди.

● Қатар пойтахти Доҳа шаҳрининг аҳолиси ғаройиб йўл ҳодисасининг гувоҳи бўлди. Катта трассада ҳаракат тиғиз пайтида тўхтаб қолган уларнинг машиналари орасида қаёқдандир пайдо бўлиб қолган йўлбарс бемалол айланиб юрган.

● Марокаш қирғоқларида 5,3 магнитудали зилзила содир бўлди. Ер силкинишидан жабр кўрганлар ҳақида ҳозирча маълумотлар йўқ.

КОРПОРАТИВ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ТАРТИБ ВА МЕХАНИЗМИ

Мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, корпоратив муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини яратишга қаратилган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш бугунги кун талабларининг асосини ташкил этади. Бу борада Президентимиз таъкидлаганидек, "Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмаларимизнинг фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилмоқда".

Ҳуқуқни қўллаш амалиётида, корпоратив муносабатларда турли субъектларнинг манфаатлари тўқнашуви, улар ўртасида баҳс-мунозаралар ва низолар келиб чиқиши мумкин. Корпоратив муносабатлардан келиб чиқувчи низоларнинг кўпайиб бораётганлиги сабабли уларни қонуний ҳал қилиш муаммоси долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Замонавий иқтисодиётда корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасида вужудга келаётган жиддий қарама-қаршиликлар ва ихтилофлар мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига ҳамда инвестициялар оқимининг кириб келишига тўсқинлик қилади. Шунингдек, ҳар қандай корпоратив низоларни умумий тартибда ҳал қилиш эса айрим ҳолларда ортиқча оворагарчилик ва харажатларни келтириб чиқаради.

Корпоратив низоларни ҳал этиш тизими уларни суд орқали ва муқобил усуллар билан ҳал қилишни ўз ичига олади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бири сифатида хўжалик судлари тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низоларни кўриб чиқишда, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, одил судловни амалга ошириш борасида алоҳида ўринга эга бўлиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 30 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан Хўжалик процессуал кодексига қўшимчалар киритилиб, корпоратив низоларнинг деярли кўпчилик қисми хўжалик судига тааллуқлилиги белгилаб берилди.

Бунда мазкур ишлар низо вужудга келган ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиси ташкилот ёки жисмоний шахс бўлишидан қатъий назар, хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Ўз навбатида, хўжалик судларига корпоратив низоларни кўриб чиқиш ҳуқуқининг берилиши ушбу тоифадаги ишларнинг тааллуқлилиги муаммосини ҳал этиб, уларни янада сифатли ва тез кўриб чиқиш, мазкур соҳада ягона суд амалиётини шакллантириш имконини бермоқда. Эндиликда корпоратив низолар рўйхати кенгайтирилиб ХПКга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар бўйича хўжалик судларига ХПК 155-19-моддасида кўрсатилган низолар тааллуқли деган қоида белгилаб берилди.

Шунингдек, суд қонун ҳужжатларида ўз ваколатларига киритилган бошқа корпоратив низоларни ҳам ҳал қилади деган қоида белгилаб берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг 2015 йил 30 сентябрдаги қарорида ХПКнинг 155-19-моддасида кўрсатилган корпоратив низоларнинг рўйхати тугал ҳисобланмаслиги, шунинг учун низонинг ушбу моддада кўрсатилмаганлигини асос қилиб, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ёки иш юритишни тугатишга йўл қўйилмаслиги юзасидан тушунтиришлар берилган.

Корпоратив низолар бўйича ишларни кўриб чиқиш тартиби, Корпоратив низо бўйича даъво аризасига доир талаблар ҳамда Корпоратив низолар бўйича даъвони таъминлаш чоралари ҳам ушбу бобда ўз аксини топган.

Статистик маълумотларга кўра, Тошкент шаҳар хўжалик судида 2014 йилда ушбу туркумда кўрилган жами 62 та ишдан 39 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган бўлса, 17 таси рад этилган, 4 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 2 та ариза кўрмасдан қолдирилган. 2015 йилнинг 1 ноябригача ушбу туркумда кўрилган жами 81 та ишдан 45 таси бўйича даъво талаблари қаноатлантирилган бўлса, 24 таси рад этилган, 8 таси бўйича иш юритиш тугатилган, 4 та ариза кўрмасдан қолдирилган.

Корпоратив низоларни ҳал қилишнинг муқобил усуллари ҳақида тўхталадиган бўлсак, корпоратив низоларни муқобил усуллар ёрдамида ҳал қилиш деганда, муайян аниқ ҳолатдан келиб чиқувчи низоли ҳуқуқий муносабат субъектлари ўртасидаги келишмовчиликни қонун билан тақиқланмаган ёки рухсат берилган усуллар воситасида ҳал қилиш тушунилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ, фақатгина юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан чегараланмасдан, корпоратив низоларни суддан ташқари ҳал этиш тартибини такомиллаштириш юзасидан ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилиб, уларни миллий қонунчиликка жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланмоқда.

Анваржон ОМОНОВ,
Тошкент шаҳар хўжалик суди раиси
ўринбосари вазифасини бажарувчи

Миллий матбуот марказида Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТАРҒИБОТ ТАДБИРЛАРИ КЎЛАМИ КЕНГАЯДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маънавият ва маърифат маркази директори А.Эшмуродов, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори ўринбосари М.Мажидов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида қўлга киритилган улкан ютуқлар, ёш авлод онгу тафаккуридаги юксалишлар ҳақида сўз юритди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилаётган "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" мавзуидаги тарғибот тадбирлари йигит-қизларимиз қалбида она Ватанга меҳр-садоқат туйғуларини кучайтириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Биринчи мартдан буён пойтахтимиздаги 260 таълим муассасасида ўтказилган шундай тадбирларга олтмиш мингга яқин ёшлар жалб этилган.

Тадбирларда иштирок этаётган олимлар, шоирлар, маданият ва санъат соҳаси вакилларидан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари ўқувчи ва талаба-ёшларга мустақилликка қадар бўлган давр ва мустақилликдан сўнг эришилган ютуқларни ҳаётий мисоллар орқали тушунтириб, таҳлил қилиб бермоқда.

Юртимизда мустақилликка бўлган давр ҳамда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларни акс эттирувчи "Ким эдигу ким бўлдик, эртага қандай юксак марраларни эгаллашимиз керак?" номли фотокўргазмалар, таълим муассасаларининг тарихи, моддий-техник базасининг олдинги ва ҳозирги ҳолати акс эттирилган фотосуратлар ва уларнинг қисқача изоҳлари берилган "Кеча ва бугун" номли стендлар, таълим муассасасида таълим-тарбия олган, бугунги кунда давлат ва жамият ривожига муносиб ҳисса қўшаётган, юрт тинчлиги йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларнинг фотосуратларидан иборат "Ибратли йўл" номли стендлар ташкил қилинди.

Тарғибот тадбирлари давомида ёшларни ватанпарварликка ундовчи, тинчлик ва осойишталикни кўз қорачиғидек асрашга даъват этувчи бадиий ва ҳужжатли фильмлар намойиш этилди.

Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши режалаштирилган.

(ЎзА)

Наврўз — 2016

БАЙРАМ ФАЙЗИ — ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТАЛИКДА

Тинч-осойишта юртимизга байрамлар ярашади. Бундай кунларда халқимизнинг аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги, бағрикенглиги янада яққол намоён бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ушбу айёмни муносиб кутиб олиш учун ҳар томонлама пухта тараддуд кўрилмоқда. Хусусан, ички ишлар идоралари томонидан байрамни тинч-осойишта ўтказиш, аҳоли хавфсизлигини таъминлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Турсунпўлат ТОШПЎЛАТОВ бу ҳақда ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Тинч ҳаёт қадри байрам кунларида янада яққол намоён бўлади. Чунки бу халқимизга яратувчанлик, бунёдкорлик каби қон-қонига сингиб кетган эзгу амалларни рўёбга чиқаришга кенг йўл очади. Шу кунларда барча қишлоқларда, шаҳарларда юртдошларимиз кўчат экиш, ободонлаштириш ишлари билан банд. Бундай эмин-эркинлик, турмушимизни гўзаллаштираётган саъй-ҳаракатлар замирида мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик мужассам.

Бу Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, осойишталикни сақлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланганининг натижасидир.

Ўзбекистонимиз эришаётган ютуқлар халқаро миқёсда тобора кенг тан олиниб, мамлакатимиз жаҳон рейтингларида кўп соҳаларда юқори поғоналарни эгалламоқда. Гэллап институти (АҚШ) томонидан "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" мавзуида 2015 йилда ўтказилган ва эълон қилинган тадқиқот натижаларига кўра Ўзбекистон 141 мамлакат ичида 2-ўринни эгаллади.

Мамлакатимиз тинч ва осуда ҳаётни таъминлаш ва мустаҳкамлаш бўйича шундай юксак натижага эришгани, бу соҳада олиб борилаётган ишлар халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Тинчлик барқарор бўлган жойда тараққиёт бўлади. Шу маънода мамлакатимиз эришаётган ютуқлар, халқимиз ҳаётидаги юксалиш довонлари юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осудалик мевасидир. Бу неъмат доимо барқарор бўлишини таъминлаш, фуқароларимиз муносиб ҳаёт кечириши, байраму шодиёналарни хотиржамлик билан ўтказиши учун барча шарт-шароитни яратиш энг долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Наврўз байрамини пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар ва туманларда, чекка қишлоқларда юқори даражада ўтказиш бўйича кенг кўламли ташкилий-амалий тадбирлар белгиланган. Бу жараёнда хавфсизликни таъминлаш учун тегишли идора ва ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Байрам шодиёналари ўтадиган масканларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари кучайтирилган.

Байрам тадбирлари хавфсизлик талабларига жавоб берадиган, объектларда ўтказилади. Ана шу масканлар ички ишлар идораларининг тегишли хизматлари ходимлари томонидан кўрикдан ўтказилиши билан бирга, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг навбатчилиги ташкил этилди.

Байрам ўтказиладиган жойлар атрофидаги субъектлар, аҳоли турар жойлари ҳамда бошқа масканларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Натижада ёнғин содир этилиши мумкин бўлган беш юздан зиёд бино ва иншоот аниқланиб, тегишли чора кўрилди.

Тинчлик ва осойишталикни таъминлашда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, яъни профилактика ишлари самарали йўлга қўйилгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, жиноятчиликка қарши курашишдан кўра унинг олдини олиш афзаллиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатдир. Бу тамойилнинг кундалик турмушимизга чуқур сингдириб борилаётгани туфайли қонунбузарликлар тобора камайиб бормоқда.

Профилактика инспекторларининг жиноятга олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида жорий йилнинг ўтган ойларида 2300 га яқин маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Милиция таянч пунктлари атрофида турли тўгараклар, кичик бизнес шохобчалари ҳамда спорт майдончалари барпо этилгани ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга ёрдам бериб, ишлар самарадорлиги ошишига ижобий таъсир кўрсатаётир.

Наврўз айёми олдидан бу йўналишдаги ишлар янада кучайтирилди. Айни пайтда ҳар бир қишлоқ ва маҳаллада, айниқса, мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида ҳушёрлик ва огоҳликка чорловчи тарғибот-тушунтириш тадбирлари ўтказилмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, соғлом ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга кўмаклашиш, ёшларни турли салбий таъсирлардан асраш мавзуларидаги учрашувлар, суҳбатлар шулар жумласидандир.

Хавфсизликни таъминлашга қаратилган кенг қамровли "Тозалаш" тадбири уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Тадбир давомида аниқланаётган ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётир.

Шу кунгача мулкчилик шаклидан қатъи назар 7 миллионга яқин объект кўздан кечирилди. 192 мингга яқин объектда турли камчиликлар аниқланди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Байрам кунлари йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис йўлларнинг ҳолатини яхшилаш, светофор ва йўл чизиқларини янгилаш юзасидан салмоқли ишлар бажарилди. Энг муҳими, кўчаларимизда қоидабузарликлар тобора камаймоқда. Бунда йўл ҳаракати қоидалари такомиллаштирилгани, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётгани муҳим аҳамият касб этаётир. Чунки бу транспорт оқимини кузатиш, уларни тартибга солиш, қоидабузарликларни тезкор аниқлаш имконини бермоқда.

Бундай кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда жамоат хавфсизлиги, осойишталик таъминланмоқда. Буни янада мустаҳкамлаш, тинч-осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш ҳар биримиздан огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб этади. Зотан, элу юрт тинчлиги ва осойишталигини сақлаш нафақат ички ишлар идоралари ходимларининг, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир.

Норгул АБДУРАИМОВА
ёзиб олди

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ ТАЖРИБА АЛМАШДИ

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳаллада ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг ҳисоботлари эшитилиб, туманда амалга оширилаётган ишлар таҳлили бўйича семинар бўлиб ўтди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган семинарда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси мутахассислари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича туман кенгаши аъзолари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва фаоллари иштирок этди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеини юксалтириш, маҳалланинг вазифалари, ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Тадбирда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, тадбиркорликни рағбатлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш, Наврўз байрамини муносиб кутиб олиш ва нишонлаш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчиларининг тўла бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, бу борада маҳалла идоралари зиммасидаги вазифалар хусусида фикр алмашилди.

– Семинар маҳалла раислари учун жуда фойдали бўлди, – дейди тумандаги "Оқтепа" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нуриддин Жалолов. – Фуқаролар йиғинлари зиммасига юклатилган вазифаларни амалга оширишда давлат бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шериклик муносабатларини такомиллаштиришга оид билимларимизни бойитдик. Ёшларни оилага тайёрлаш ва касб-ҳунарга йўналтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш тартиб қоидалари борасида ўзаро фикр ва тажриба алмашдик.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири



Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, бирдамлик каби тушунчаларни ўзида мужассам этган – маҳалла деб аталмиш бир гўша бор. У инсонларни дўсту биродарликка, аҳилликкa, иноқликка чорлайди.

САРҲИСОБ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Бу масканда миллийлик, урф-одат ва анъаналар бардавомийлиги мужассам. Ёшларнинг одоб-ахлоқли, теран фикрлайдиган, ватанига садоқатли бўлиб ўсишида, ота-онасига, оиласига меҳр-оқибатли, катталарга ҳурматда, кичикларга эса иззатда бўлишида маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Шу боис маҳалланинг жамиятимизда тутган ўрни тобора ортиб бормоқда.

Ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган эллиқдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. 2013 йил 22 апрелда янги таҳрирда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ана шундай муҳим ҳужжатлардан биридир. Мазкур Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ маҳалла фуқаролар йиғини йилнинг ҳар чорагида вилоят, туман ва шаҳар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботини эшитиши белгилаб қўйилди.

Бугунги кунда пойтахтимиз туманларида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида туман (шаҳар) ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда фуқаролар йиғинлари ходимларининг чораклик ҳисоботларини эшитишни ташкил этиш ва ўтказишнинг тартиб-тамойиллари" мавзусида семинарлар ўтказилмоқда.

Худди шундай тадбир Сергели туманидаги Ҳабибий номли маҳаллада бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси, Сергели туман ҳокимлигининг мутасадди ходимлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари раҳбарлари, фуқаролар йиғинлари раислари, ОАВ ходимлари ҳамда соҳа мутахассислари қатнашди.

Тадбирда сўзга чиққан маърузачилар фуқаролар йиғинига ҳисоботни эшитиш масаласини киритиш тартиби, ҳисоботни фуқаролар йиғинининг Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича комиссияси томонидан кўриб чиқиш, шунингдек, фуқаролар йиғинида ҳисоботни эшитишни, ҳисоботни эшитиш ҳақидаги масалаларга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ҳисоботни эшитиш якунлари бўйича қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш тўғрисида батафсил маълумот бердилар.

Шундан сўнг туман ҳокими Фурқат Мақсудходжаев маҳалла фуқаролар йиғини вакилларига ўз ҳисоботини тақдим этди.

Туман ҳокими маҳалла фаолияти соҳасига кирувчи ишлар, хусусан, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож, кам таъминланган қатламларини моддий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этиш ва уларни ривожлантириш, ҳудуддаги аҳолининг айниқса, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида, ҳамда ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва санитария ҳолатини яхшилаш, коммунал хизмат кўрсатиш ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сифати бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда кейинги режалар хусусида аниқ рақамлар ва мисоллар асосида маълумотлар берилди.

Туман ҳокимининг ҳисоботида баён этилган масалалар юзасидан маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ўз муносабатларини билдирдилар. Кўтарилган айрим муаммо ва камчиликлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

К. ТАГАЕВ,
М. ГИЯЗОВ,
А.СОДИҚОВ









ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТИМСОЛИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Яккасарой туманидаги 21 та маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган ҳашарда ҳам аҳоли фаоллик билан иштирок этди.

— Ҳашар – халқимизнинг қадимий ва асл қадриятларидан. Унинг замирида ободлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, бунёдкорлик мужассам, – дейди Юнус Ражабий маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Муаззам Ҳасанова. — Маҳалламизда умумхалқ хайрия ҳашари уюшқоқлик билан ўтди. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар олди, ариқ, лотоклар тозаланди, дарахтлар оқланди, 75 та мевали ва 40 та манзарали дарахтлар, гуллар ўтқазилди. Бир сўз билан айтганда ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозирги кунда мақсадимиз маҳалламизни халқимизнинг қадимий байрами Наврўз байрами арафасида яна ҳам файзли, обод ва кўркам гўшага айлантириш, осойишталик, аҳоли фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Истиқлол йилларида бошқа урф-одатларимиз қатори ҳашар ҳам қайта тикланиб, янгича кўриниш касб этди. Байрамларимиз арафасида умумхалқ хайрия ҳашарлари ташкил этилиб, ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Бундай эзгу ишлар ёш авлодни ҳамжиҳатлик, инсонпарварлик, шукроналик, бунёдкорлик ва азалий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбияланишига хизмат қилади.

Бу каби тадбирлар Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежида ҳам ҳамжиҳатликда ўтказилди. Коллеж ўқувчилари таълим муассасаси ҳудуди, ўқув биносининг ички ва ташқи томонида тозалаш ишларини олиб бордилар. Ҳашарда 1400 дан ортиқ ўқувчилар иштирок этди. 3,5 гектарга яқин майдон тозаланиб, бир тоннадан зиёд қурилиш ва маиший чиқиндилар белгиланган ҳудудларга чиқариб ташланди. Беш километрдан кўпроқ ариқлар тозаланиб, 860 туп дарахтларга шакл берилди. 60 туп мевали дарахт ва икки минг донадан зиёд гул кўчатлари ўтқазилди. Тумандаги бошқа таълим муассасаларида ҳам ҳашар тадбирлари ана шу руҳда давом этди.

— Ҳашар ўзаро меҳр-оқибат ришталарини, айниқса, ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат туйғуларини мустаҳкамлайди, — дейди Яшнобод тумани "Беҳизор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Убайдулла Миноварходжаев. — Кўчалар, йўлаклар супурилиб, ариқ-зовурлар тозаланди. Дарахтларга шакл берилиб, оқланди. Маҳалламизда яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож, боқувчисини йўқотган қарияларнинг хайрия ҳашар муносабати билан уй-жойи таъмирланиб, маҳалла фуқаролари томонидан ёрдам кўрсатилди.

Ота-боболаримиз азалдан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келган. Мана шу эзгу анъаналарни давом эттириш мустақил юртнинг баркамол авлодларига ярашади. "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ва туман Кенгашлари фаоллари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳам ҳашарда қатнашишди.

— Юртимизга баҳор фаслининг кириб келиши ҳамда ўзбек халқининг энг қадимги урф-одатлари, маданиятини ўзида акс эттирган Наврўз айёмининг яқинлашаётганлиги сабабли республикамизда март-апрель ойлари ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги, деб эълон қилинди, — дейди "Камолот" ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши маънавий-маърифий лойиҳалар бўлими етакчи мутахассиси Мухлиса Эргашева. — Шу муносабат билан "Камолот" ЁИҲ томонидан ҳам ойлик доирасида ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари режаси ишлаб чиқилди. Режага асосан, жорий йилнинг 12-13 март ҳамда 19-20 март кунларида пойтахтимиздаги барча қабристонларда "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак" шиори остида ҳашарлар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур ойлик давомида 14 мартдан 14 апрелга қадар белгиланган жойларда "Ҳар бир ёшга бир ниҳол", ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионер ва ногирон ҳамда ёлғиз қарияларнинг хонадонларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" акциялари ҳамда "Камолот"дан яшил чорлов!" ва "Юртимни обод этаман" номли турли экологик тадбирлар ва ёшлар ҳашарлари ўтказиш режалаштирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз онгига ватанпарварлик туйғусини янада сингдириш, халқимизнинг узоқ ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган азалий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга бўлган муҳаббатни оширишдир. Зеро, юртимизни обод ва фаровон этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Учтепа туманида ҳам умумхалқ ҳашари уюшқоқлик билан олиб борилди. Маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида фуқароларимиз эрта тонгдан ҳамжиҳатликда ҳовли-жойлар, корхона ва ташкилотлар атрофи, кўча ва гузарлар, ариқ-зовурларни тозалаш ва қабристонларни ободонлаштиришга киришди. Маҳалла фаоллари ва кекса ёшли отахонлар ёшларга ўрнак бўлиб, бу борадаги ўз тажрибаларини бугунги авлод вакилларига ўргатмоқдалар. Хусусан, "Журжоний" маҳалласида бу тадбир ўзгача руҳда ўтди. Барча бирдек фаол. Дарахтлар оқланиб, шакл берилди. Ариқлар, кўчалар, уйларнинг ён-атрофи тозаланди.

Ушбу ҳудуддаги 23-оилавий поликлиникада ҳашар муносабати билан талайгина ишлар қилинди. Муассаса ҳудуди ободонлаштирилиб, 30 туп мевали дарахт ва 220 туп гул кўчатлари экилди. Барча мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилиб оқланди. Ариқлар тозаланиб, чиқиндилар олиб ташланди.

– Баҳор фаслининг бошланиши билан атрофни тозалаш, янги гул ва дарахт кўчатларини экиш миллатимизнинг кўп йиллик анъаналаридан биридир, – дейди 23-оилавий поликлиника бош шифокори Саодат Дўстмуҳамедова. – Халқимизда азалдан тозаликка катта эътибор қаратилган. Бу эса саломатликка бўлган эътиборни англатади. Бугунги кунда поликлиникамиз ҳамшира ва шифокорлари ҳудудимиздаги хонадонларга бориб, аҳолининг тиббий маданиятини ошириб, якка тартибдаги уйларнинг тозалик ва гигиена талабларига жавоб беришини мунтазам текшириб бормоқдалар. Атроф-муҳитда бўлими етакчи мутахассиси Мухлиса Эргашева. — Шу муносабат билан "Камолот" ЁИҲ томонидан ҳам ойлик доирасида ўтказиладиган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари режаси ишлаб чиқилди. Режага асосан, жорий йилнинг 12-13 март ҳамда 19-20 март кунларида пойтахтимиздаги барча қабристонларда "Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиши керак" шиори остида ҳашарлар ўтказиш кўзда тутилган. Шунингдек, мазкур ойлик давомида 14 мартдан 14 апрелга қадар белгиланган жойларда "Ҳар бир ёшга бир ниҳол", ёрдамга муҳтож кексалар, пенсионер ва ногирон ҳамда ёлғиз қарияларнинг хонадонларида "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" акциялари ҳамда "Камолот"дан яшил чорлов!" ва "Юртимни обод этаман" номли турли экологик тадбирлар ва ёшлар ҳашарлари ўтказиш режалаштирилган. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларимиз онгига ватанпарварлик туйғусини янада сингдириш, халқимизнинг узоқ ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган азалий урф-одатларимиз ва қадриятларимизга бўлган муҳаббатни оширишдир. Зеро, юртимизни обод ва фаровон этиш барчамизнинг бурчимиздир.

Ҳашар ёрдамида халқнинг бирдамлиги янада ошади, — дейди Тошкент давлат техника университети талабаси Фарҳод Сирожиддинов. — Қадимда ота-боболаримиз ҳашар ёрдамида халқнинг фаровонлиги учун керак бўладиган кўплаб иншоотлар қуришган. Боболаримизнинг ҳашар ёрдамида қурган бинолари, боғ-роғлари ҳалигача халқимиз учун хизмат қилмоқда ва ёшларимиз учун катта ибрат бўлиб келмоқда. Ҳашар ёшларимиз кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Ҳашар ана шундай катта куч бахш этадиган қадриятларимиздан биридир.

Шунингдек, пойтахтимизнинг қолган туманларида ҳам ҳашар уюшқоқлик ва ҳамжиҳатликда ўтказилди. Ҳашар давомида кўчалар, боғлар ва турли масканлар ҳуснига ҳусн қўшилиб, янада кўркамлашди.

Зиёда РАСУЛОВА,
Абдуалим САЛИМОВ
Ислом Исмоилов олган суратлар

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲАР КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

1. "Тошиссиққуввати" ИЧБ маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2016 йил 1 апрелдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергиясининг улгуржи тарифи ҚҚСсиз 60700,00 сўм/Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 72840,00 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. "Тошиссиққуввати" ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит ва ашёларнинг нархлари ошиб кетгани боис, 2016 йил 1 апрелдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тарифлар белгиланади:

марказий иситиш – 1169,70 сўм/м²/ тақвимий(календарь)йил ойи (иситиш майдони);

иссиқ сув таъминоти:

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда – 13511,73 сўм/киши/ой;

— умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун – 10051,42 сўм/киши/ой;

— ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда – 3459,90 сўм/м³ 1 м³ истеъмол қилинган иссиқ сув учун.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги "Республика иссиқлик таъминоти ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 300-сонли қарорининг 10-бандига мувофиқ, эслатиб ўтамиз:

